

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.14/30.12 2019.I.84.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИНСТИТУТИ**

САИДРАСУЛОВА ХОЛИДА БЕКПУЛАТОВНА

**РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ШАРОИТИДА ИШЛАБ
ЧИҚАРИШДА АСОСИЙ ФОНДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on economics sciences**

Саидрасулова Холида Бекпулатовна

Рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида ишлаб чиқаришда асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари..... 3

Саидрасулова Холида Бекпулатовна

Пути повышения эффективности использования основных фондов в производстве в условиях перехода к цифровой экономике..... 29

Saidrasulova Xolida Bekpulatovna

Ways to increase the efficiency of using fixed assets in production in the context of the transition to a digital economy..... 55

Эълон килинган ишлар руйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.14/30.12 2019.I.84.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИНСТИТУТИ**

САИДРАСУЛОВА ХОЛИДА БЕКПУЛАТОВНА

**РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ШАРОИТИДА ИШЛАБ
ЧИҚАРИШДА АСОСИЙ ФОНДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1 PhD/Iqt157 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (info@ifmr.uz) ва "ZiyoNet" ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Хасанов Рустам Раббимович иктисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Бурханов Ақтам Усманович иктисодиёт фанлари доктори, профессор Муратова Шохиста Ниматуллаевна иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Етакчи ташкилот:	Наманган муҳандислик-технология институти

Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.14/30.12.2019.1.84.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «18» 08 куни соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 30-уй. Тел: 71 244-01-17, E-mail: info@ifmr.uz, exat@ifmr.uz.)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 16 рақамли билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, Навоий шох кўчаси, 30-уй. Тел: 71 244-01-17, E-mail: info@ifmr.uz, exat@ifmr.uz.)

Диссертация автореферати 2021 йил «7» 08 куни тарқатилди.
(2021 йил «4» 08 рақамли реестр баённомаси)



Т.М.Ахмедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ш.Х.Оттабоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

З.У.Бердиназаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодий ривожланишида саноат ишлаб чиқариши юқори бўлган давлатлар иқтисодий тараққиётининг асосий омили бўлган саноат тармоқларидаги тузилмавий ўзгаришлар, асосий ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқлигига асосланади. Хусусан, “саноат ишлаб чиқаришида асосий фондлардан самарали фойдаланиш ва уни бошқаришнинг дастурий таъминоти жаҳон бозорида 2020 йилда 3 миллиард АҚШ долларидан 2024 йилда 5,2 миллиард АҚШ долларигача ўсиши прогноз қилинмоқда”¹. Асосий фондларни бошқариш дастури техник хизмат кўрсатиш жараёнларини соддалаштиришда, ишлаб чиқаришдаги мавжуд асосий фондларнинг узоқ умр кўриш муддатини узайтириш ва самарадорликни ошириш учун хизмат қилади.

Тадқиқотларга кўра, хорижий мамлакатларда саноат тармоқларида асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш, мавжуд табиий-ресурс имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, инновацион технологияларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда². Хусусан, Европа Иттифоқи, АҚШ ва бошқа нуфузли мамлакатларда асосий фондлар ҳисоботини юритиш, инвестициялар сифатида асосий воситаларни харид қилиш, уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишда ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизациялаш ҳисобидан энергетика ресурсларига бўлган эҳтиёжни тўлиқ қондириш, юқори самарадорликка эришиш, асосий ишлаб чиқариш фондлари энергия сифimini камайтириш ва тежамкор технологияларни жорий этиш орқали таъминлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилган³. Ушбу белгиланган вазифаларнинг саноат корхоналарида амалга оширилиши ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янги даражага кўтаришга, асосий фондлардан самарали фойдаланган ҳолда тежамкорликни таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сон Фармони ва 2019 йил 22 августдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-

¹ <https://www.statista.com/statistics/1092026/fixed-asset-management-software-market/>

² Fuzhong Chen Chien-Lung Hsu Arthur J. Lin Haifeng Li Rijken Li. 2020. Holding risky financial assets and subjective wellbeing: Empirical evidence from China. North American Journal of Economics and Finance. Olli-Pekka Hilmola. 2020. Role of inventory and assets in shareholder value creation. Expert Systems with Applications: X. 5. 100027

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабр, Тошкент. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4422-сон қарори ҳамда мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш йўли билан саноатда, жумладан, нефт-газ тармоғи ишлаб чиқариш корхоналарида асосий ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланиш каби муаммолар ечимини ҳал этишга қаратилган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожлантиришининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ишлаб чиқаришда асосий фондларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг назарий ва услубий асосларини тадқиқ этишга оид илмий изланишлар хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчи-олимлари томонидан илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилган.

Асосий фондларнинг фойдаланиш муддатини узайтириш ва самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар хорижий олимлар Мюллер, Дженнифер Л., Cornwall, Dr. Jeffry, R.David Vang and Jean Heartman, Li Lilia, Qi Peng, Li Lilia, Qi Peng, Timo Eickelkamp, Linda M Nichols, Kurt H Buerger, Olli-Pekka Hilmola, Stefan Yard, Fuzhong Chen Chien-Lung Hsu Arthur J. Lin Haifeng Li Rijken Li, Jürgen Huber, Stefan Palana, Stefan Zeisberger⁴ ва бошқа олимлар томонидан амалга оширилган.

МДХ мамлакатлари иқтисодчи-олимлари Д.Астринский, В. Григорьев, В.Логинов, К.Раицкий, И.Сергеев, М.Симакина, Н.Чечин, И.Сафронова, С.Ильенкова, А.Маловецкий⁵, В.Банк, А.Гуламов, Р.Иванова, Е.Костюкова,

⁴ Мюллер, Дженнифер Л. Амортизация определенных нематериальных активов: компании должны рассматривать вопрос об активах с договорными или юридическими лицами. – Журнал бухгалтерского учета. – США, декабрь 2004.; Cornwall, Dr. Jeffry, R.David Vang and Jean Heartman. 2003. Entrepreneurial Financial Management. Prentice Hall. 13.; Jodi L. Gisse. 2016. A case of fixed asset accounting: Initial and subsequent measurement. Journal of Accounting Education. 37, 61-66.; Li Lilia, Qi Peng. 2011. The impact of China's investment increase in fixed assets on ecological environment: an empirical analysis. Energy Procedia 5 501–507.; Timo Eickelkamp. 2015. Significance of fixed assets in life cycle assessments. Journal of Cleaner Production. 101, 97-108.; Linda M Nichols, Kurt H Buerger. 2002. An investigation of the effect of valuation alternatives for fixed assets on the decisions of statement users in the United States and Germany. Journal of International Accounting, Auditing and Taxation. 155-163.; Olli-Pekka Hilmola. 2020. Role of inventory and assets in shareholder value creation. Expert Systems with Applications: X. 5. 100027; Stefan Yard. 2004. Costing fixed assets in Swedish municipalities: Effects of changing calculation methods. International Journal of Production Economics. 87(1), 1-15.; Fuzhong Chen Chien-Lung Hsu Arthur J. Lin Haifeng Li Rijken Li. 2020. Holding risky financial assets and subjective wellbeing: Empirical evidence from China. North American Journal of Economics and Finance.; Jürgen Huber, Stefan Palana, Stefan Zeisberger. 2019. Does investor risk perception drive asset prices in markets? Experimental evidence. Journal of Banking and Finance 108.

⁵Астринский Д. Проблемы воспроизводства основных фондов // Экономист. 2001. № 6. С.35-38; Григорьев В.В. Оценка и переоценка основных фондов. – М., 1997.; Логинов В. Обновление основного капитала//Экономист. 2002. № 3. С.3-10.; Раицкий К.А. Экономика предприятия. Учебник для вузов. – М.: Дашков и К. 2002. 1012 с.; Сергеев И.В. Экономика предприятия. Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 2002. 304 с.; Симакина М.Б. Микроэкономика. – СПб.: ПИТЕР, 2002. 464 с.; Чечин Н.А. Эффективность использования основных фондов, производственных мощностей. – М., 1993.; Экономика

Ю.Курдукова, Е.Орлова, А.Сидоров, Е.Панова, Н.Шаламовалар⁶ ишлаб чиқаришда асосий фондлардан унумли фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасида илмий-тадқиқотлар олиб боришган.

Ишлаб чиқаришда асосий фондлар самарадорлигини оширишнинг назарий ва услубий асослари Т.Ахмедов, О.Олимжонов, Т.Иминов, А.Қодиров, А.Бурханов, Ш.Муратова, Н.Хашимова, Р.Хасанов, Б.Салимов, М.Саидкаримова, О.Хайруллаев, В.Чадина, М.Исаков⁷ ва бошқа маҳаллий олимларнинг илмий ишланмалари ва асарларида кенг ёритилган.

Олимларнинг айтиб ўтилган муаммони тадқиқ этишга муносиб ҳисса қўшганлигини тан олган ҳолда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, улар муаммонинг мунозарали ва долзарб ҳисобланган алоҳида жиҳатларини кўриб чиққанлар. Бозор муносабатлари ва рақамли иқтисодиёт талабларидан келиб чиққан ҳолда асосий ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланиш бўйича илмий тавсиялар ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш ҳозирда жуда долзарб бўлиб диссертация мавзусини танлашга асос бўлди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтининг ПЗ-20200125 “Саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини баҳолаш ва дастурий таъминотни яратиш бўйича миллий рейтинг тизимини ишлаб чиқиш” мавзусидаги (2020-2021 йиллар) илмий лойиҳаси доирасида бажарилди.

предприятия/ Под ред. И.А.Сафронова И.А. – М.: Юристъ, 2000. 584 с.; Экономика и статистика фирм/ Под ред. С.Д.Ильенковой–М.: Финансы и статистика, 2001. 288 с.; Маловецкий А.В. Инвестиционная политика нефтяных корпораций-региональной и корпоративной аспектов. М.: 2009.

⁶ В.В.Банк. Организация учета и экономического анализа основных средств на предприятиях, перерабатывающих водные биоресурсы. Автореферат на соискание ученой степени к.э.н. Саратов.: 2004 г. 32 стр; А.А.Гуламов. Экономическая оценка воспроизводства основных фондов железнодорожное компании. Автореферат на соискание ученой степени к.э.н. СПб.: 2011 г. 28 стр; Р.И.Иванова. Амортизация основных средств как элемент учетной политики в аграрных формированиях: на примере предприятий Псковской области. Автореферат на соискание ученой степени к.э.н. СПб.:2007 г. 34 стр; Е.И.Костюкова. Амортизация как инструмент управления основными средствами сельскохозяйственных предприятий. Автореферат на соискание ученой степени к.э.н. Ставрополь 2000 г. 32 стр; Ю.М.Курдукова. Современные организационно-методические подходы к учету амортизации основных средств. Автореферат на соискание ученой степени к.э.н. М.:2006 г. 28 стр; Е.А.Орлова. Контроль и аудит основных средств в государственных образовательных учреждениях. Автореферат на соискание ученой степени к.э.н. М.:2011 г. 34 стр; А.С.Сидоров. Организационно-экономические аспекты планирования основных средств предприятия. Автореферат на соискание ученой степени к.э.н. Белгород: 2011 г. 30 стр; Е.А.Панова. Устойчивое финансирование воспроизводства основных фондов промышленных предприятий. Автореферат на соискание ученой степени к.э.н. М.:2016 г. 32 стр; Н.А.Шаламова. Организация и методы учета основных средств в условиях рынка: На примере аграрных формирований Брянской области. Автореферат на соискание ученой степени к.э.н. Брянск.:1999 г. 36 стр.

⁷ Иминов Т.К. Рыночная экономика и обновление основных фондов. Санкт-Петербургский университет финансов и статистики 1992. 216 с.; Кадыров А. и др. Эффективность использования основных производственных фондов. – Т., 2006.; Саидкаримова М.И. Использование основных производственных фондов// Сельское хозяйство Узбекистана. 2005. № 1. С.6-7. О.Н.Хайруллаев. Нефть ва газни қайта ишлаш тармоғида асосий ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланишни моделлаштириш. и.ф.н.илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати Т.: 2001, 22 б.; В.Б.Чадина. Асосий капиталнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсири. Ўзбекистон иқтисодиёти. Ж.// Т: 2004 й. 76 бет.; Исаков М.Ю. “Корхона иқтисодиёти”. Ўқув қўлланма.– Тошкент.: Иқтисодиёт”, 2017. 278 б.

Тадқиқотнинг мақсади саноатнинг нефть-газ тармоғида асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

асосий ишлаб чиқариш фондларининг иқтисодий моҳияти ва фойдаланиш самарадорлигини илмий-услубий асосларини ўрганиш;

саноат тармоқларида асосий фондлардан фойдаланишнинг хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва уларни қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

нефть-газ соҳасида ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш ва тизимли муаммоларни аниқлаш;

асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш услубиёти бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

нефть-газ тармоғида ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича ўрта ва узоқ муддатли мақсадли прогнозини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида “Ўзбекнефтгаз” АЖ фаолияти танланган.

Тадқиқотнинг предметини ишлаб чиқаришда асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимли ва қиёсий таҳлил, статистик таққослаш, эксперт баҳолаш, монографик кузатув, математик моделлаштириш ва прогнозлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

саноат тармоқларида асосий фондларнинг мавжуд қувватларидан фойдаланиш ҳолатини товарлар бозоридаги талаб ва таклифнинг ўзгаришини кўшимча ҳисобга олган ҳолда тезкор доимий мониторингини амалга ошириш услубиёти такомиллаштирилган;

асосий фондларни меҳнат унумдорлигига таъсири бевосита уларни технологик қуролланганлигига боғлиқлигини эътиборга олган ҳолда инновация, ҳаражатлар ва фойдаланиш муддати коэффицентларини қўллаш орқали “технологик сифат” даражасини аниқлаш таклиф этилган;

асосий ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари (рентабеллик, эскириш даражаси, фонд қайтими ва бошқалар)нинг ягона электронлаштирилган информацион платформасини шакллантириш орқали “рақамли фондлаштириш” тизимини ташкил этиш бўйича таклиф ишлаб чиқилган;

“Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамиятида мақсадли амортизация жамғармасини шакллантириш ва инновацион технологияларни қўллашга қаратилган асосий фондлардан самарали фойдаланишнинг 2020-2025 йилларга мўлжалланган прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

асосий фондлар ҳаракатини тартибга солиш ҳамда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш асосида улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқаришда асосий фондлар билан боғлиқ ўсиб бораётган харажатлар аниқланган ва уларни камайтириш йўллари таклиф этилган;

асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигининг камайишига таъсир этувчи омиллар аниқланган;

ишлаб чиқаришда асосий фондлардан самарали фойдаланишнинг прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги уларни маҳаллий ва хорижий иқтисодчи олимларнинг асосий ишлаб чиқариш фондларини такрор ишлаб чиқаришнинг концептуал асослари хусусидаги илмий-назарий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, ижобий хорижий амалиётни тадқиқ этиш, маълумотлар базасининг мутасадди ташкилотларнинг расмий ахборот манбаларидан олинганлиги, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва “Ўзбекнефтгаз” АЖ ҳисобот маълумотларидан фойдаланилган, шунингдек, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илмий ишда таклиф этилган услубий асослардан асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш, улардан унумли фойдаланишнинг концептуал асосларини ишлаб чиқишда қўлланилганлигида ўз аксини топган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги. Рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида ишлаб чиқаришда асосий фондлардан самарали фойдаланишни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ишлаб чиқаришда асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича доимий “тезлаштирилган мониторинг ўтказиш” услубиёти “Ўзбекнефтгаз” АЖ ва унинг таркибидаги корхоналар фаолиятида жорий этилган (“Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2018 йил 30 майдаги 05/17-3-136-сон ва 2020 йил 7 августдаги 08/38-435-сон маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 25 сентябрдаги 04/15-2/10-124-сон маълумотномаси). Мазкур услубиётни амалиётга жорий этилиши “Ўзбекнефтгаз” АЖ ва унинг таркибидаги корхоналар ишлаб чиқаришида асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигининг 15 фоизга ошишига эришилган;

ишлаб чиқилган “технологик сифат” мезони Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва “Ўзбекнефтгаз” АЖ корхоналари томонидан амалиётга жорий этилган (“Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2018 йил 30 майдаги 05/17-3-136-сон ва 2020 йил 7 августдаги 08/38-435-сон маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва

камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 25 сентябрдаги 04/15-2/10-124-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг тегишли корхоналарида 2020-2030 йилларда ишлаб чиқаришда асосий фондлардан самарали фойдаланиш асосида табиий ресурсларни қазиб олиш ва уни қайта ишлашнинг юқори ўсиш суръатлари таъминланади;

асосий ишлаб чиқариш фондларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича такомиллаштирилган “рақамли фондлаштириш” услубиёти “Ўзбекнефтгаз” АЖ ва унинг таркибидаги корхоналарида жорий қилинган (“Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2018 йил 30 майдаги 05/17-3-136-сон ва 2020 йил 7 августдаги 08/38-435-сон маълумотномаси). Мазкур услубиётдан фойдаланиш натижасида “Ўзбекнефтгаз” АЖ ва унинг таркибидаги корхоналарида асосий ишлаб чиқариш фондларни тўлиқ рақамлаштиришга ўтилиши, уларнинг тезкорлик билан эскириш даражасини аниқлаш ва қайта баҳолашни ўз вақтида амалга ошириш имконияти яратилади;

ишлаб чиқаришда асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган 2020-2025 йиллардаги прогноз параметрлари “Ўзбекнефтгаз” АЖ ва унинг таркибидаги корхоналар фаолиятида жорий этилган (“Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2018 йил 30 майдаги 05/17-3-136-сон ва 2020 йил 7 августдаги 08/38-435-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги, амортизация даражаси, фонд қайтими ва фонд билан қуролланиш даражаларининг ошишига олиб келади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, жумладан 4 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган ва ижобий хулосалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шу жумладан, миллий ОАК эътироф этган журналларда 5 та, нуфузли хорижий журналларда 2 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференциялари тўпламларида 10 та маъруза ва тезислар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 143 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти, предмети ва усуллари тавсиф берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва жорий қилиниши очиқ берилган, тадқиқот

натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида ишлаб чиқаришда асосий фондлардан самарали фойдаланишнинг илмий ва амалий асослари”** деб номланиб, унда асосий ишлаб чиқариш фондларини такрор ишлаб чиқаришнинг назарий асослари, асосий ишлаб чиқариш фондларини такрор ишлаб чиқариш самарадорлиги мезонлари, асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш борасида хориж тажрибаси тадқиқ этилган.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида асосий ишлаб чиқариш фондларидан такрор ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг назарий ва услубий асосларини тадқиқ қилиш долзарб аҳамиятга эга. Иқтисодиётнинг барча соҳаларида асосий фондлардан самарали фойдаланиш муаммоси бутун дунё олимларини қизиқтирган ва ўз ечимини кутаётган масалалардан бири сифатида эътироф этиш жоиздир. Шу жиҳатдан дастлаб, асосий ишлаб чиқариш фондларини такрор ишлаб чиқаришнинг назарий асосларини ўрганиш ва бу борада олиб борилган тадқиқотларни ўрганиш лозим деб топилди.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари ишлаб чиқариш корхоналарининг фаолияти моддий-техника базасини ташкил қилади ва шу сабабли фан-техника тараққиётини ҳисобга олган ҳолда уларни такомиллаштириш мақсадида давлатнинг иқтисодий сиёсатига мувофиқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур.

Рақобат шароитида корхоналар асосан бор эътиборини асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилаш ва такрор ишлаб чиқаришга эмас, балки кўпроқ ходимларнинг ижтимоий ҳимояланганлигини таъминлаш учун иш ҳақи фондини шакллантиришга қарата бошлади. Агар даромад ва жамғармалар ўртасида ўзгармас нисбат қарор топадиган бўлса, бунда жамғармалар ҳажми фойда массасининг ўсишига боғлиқ бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш ресурсларини такрор ишлаб чиқариш, уларнинг айланишини тезлатиш ва янгилашга кўпроқ эътибор қаратиш зарур.

Асосий ишлаб чиқариш фондларини такрор ишлаб чиқариш бу – уларни узлуксиз янгилаб бориш жараёнидир. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг такрор ишлаб чиқариш масалаларини назарий ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

бозор муносабатлари шароитларида корхоналарнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари оптимал ҳажмга эга бўлиши ва вақти-вақти билан янгиланиб туриши лозим;

асосий ишлаб чиқариш фондлари, иқтисодий тоифа сифатида, натурал шаклда ифодаланади ва жисмоний субстанцияни: буюмларнинг меҳнат воситалари ва ишлаб чиқариш воситалари кўринишида мавжудлик шаклини ифодалайди;


асосий ишлаб чиқариш фондларини такрор ишлаб чиқариш истеъмол товарларига бозор эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда таркибий ўзгаришлар билан боғлиқ;

асосий ишлаб чиқариш фондлари корхоналар рақобатбардошлиги ва уларнинг фойда олишини таъминлайдиган асосий омиллардан бири ҳисобланади;

ишлаб чиқариш субъектларининг ҳисоботларида акс эттирилмайдиган ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинмайди, шунингдек, атроф-муҳитни ифлослантирилиш натижалари ва экология омиллари ҳам акс эттирилмайди, одамнинг бўш вақти самараси ҳисобга олинмайди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқариш субъектларининг йиллик ҳисоботларига зарур товарлар ва хизматлар харид қилишда илгари сарфланган харажатлар, атроф-муҳитни ифлослантириш натижалари, экология омиллари ва ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар акс эттириладиган бўлимларни киритиш таклиф этилади.

Ҳар қандай корхонанинг асосий фондларини такрор ишлаб чиқариш жараёни бир-бири билан чамбарчас боғланган тўртта муҳим босқични ўз ичига олади (1-расм).



1-расм. Асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш жараёнлари тузилмаси⁸

Асосий фондларни такрор ишлаб чиқаришнинг бошланғич босқичида маълум бир қийматга ва аниқ сифат хусусиятларига эга бўлган товарларни ишлаб чиқариш учун мўлжалланган, технологик жараёнга мос келадиган ускуналарни сотиб олиш ишлари амалга оширилади.


Такрор ишлаб чиқаришнинг оддий ва кенгайтирилган турлари мавжуд. Оддий такрор ишлаб чиқариш маҳсулотни узлуксиз такрор ишлаб чиқариш ва ўзгармас ҳажмда ишлаб чиқаришга киритилган капитал миқдоридир. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ёки иқтисодий ўсиш, ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдорининг фойда ҳисобига узлуксиз равишда

⁸ Муаллифнинг илмий-тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

кўпайишини англатади. Олинган даромад истеъмол ва жамғаришга бўлинади. Олинган даромаднинг бир қисми шахсий истеъмолга сарфланади, бир қисми жамғариш фондига йўналтирилади ва айнан у кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга сарфланади.

Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигини аниқлашда илмий асосланган мезонларни қўллаш зарур. Иқтисодий самарадорлик бу-иқтисодиётнинг фаолият юритиш ва ривожланиш жараёнида олинган иқтисодий самарадорликдир.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги омили (2-расм) сифатида асосий ишлаб чиқариш фондларини такрор ишлаб чиқариш самарадорлиги мезонини таҳлил қилиш асносида қуйидаги илмий хулосаларга келиш мумкин:



2-расм. Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигига таъсир қилувчи омилларнинг гуруҳланиши⁹

асосий ишлаб чиқариш фондларини такрор ишлаб чиқаришнинг асосий манбалари фойда, амортизация ажратмалари ва кредит воситалари ҳисобланади;

иқтисодий тоифа сифатида асосий ишлаб чиқариш фондларини кўриб чиқишда таъкидлаш жоизки, асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таққослаганда капитал кенгроқ маънога эга, чунки ишлаб чиқариш фондлари фақат ишлаб чиқариш соҳасида фойдаланилади;

асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлиги асосий иқтисодий кўрсаткичи кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг асосий манбаси сифатида фойда ҳисобланади;

фойда иқтисодий тоифа сифатида нафақат асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлиги, балки бутун корхона ишлаб чиқариш самарадорлиги асосий кўрсаткичи ҳисобланади.

⁹ Муаллифнинг илмий-тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Асосий ишлаб чиқариш фондларининг иқтисодий самарадорликка эришиши энг кам вақт харажатлари билан ишлаб чиқариш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотнинг ўсиши ҳамда уларни такрор ишлаб чиқаришнинг асосий манбаси корхоналар оладиган фойда ва қисман улардан фойдаланиш ҳисобига корхона амортизация фонди маблағлари билан ифодаланади. Таъкидлаш жоизки, корхона фаолияти самарадорлигини ягона иқтисодий кўрсаткич – фойда билан аниқлаб бўлмайди. Бунинг учун бизга хусусий ва умумлаштирувчи, мутлақ ва нисбий, шунингдек, қийматли ва натурал каби асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш иқтисодий самарадорликни белгилаб берадиган мезонлар тизими зарур бўлади.

Макро ва микроиқтисодий даражада ишлаб чиқариш самарадорлиги интенсив такрор ишлаб чиқариш асосий омиллари билан асосий ишлаб чиқариш фондлари такрор ишлаб чиқариш борасида боғлиқ бўлиб, бу ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигида ўз ифодасини топади.


Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги ишлаб чиқаришнинг миқдорий ўсишида ҳам ифодаланиши мумкин. Лекин, у асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини тўлиқ акс эттира олмайди. Бу ерда шунингдек, харажатлар ва ресурсларни ҳам ҳисобга олиш зарур, чунки асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун маҳсулот бирлиги ишлаб чиқаришга харажатлар қанчалик пасайганлиги эътиборда бўлиши лозим.

Услугий нуктаи назардан фойда асосий ишлаб чиқариш фондлари ва ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини аниқлашнинг асосий мезони ҳисобланади. Буни шундай изоҳлаш мумкинки, иқтисодий адабиётларда иқтисодчилар ўртасида асосий ишлаб чиқариш фондининг ҳам ишлаб чиқаришнинг ҳам иқтисодий самарадорлигини аниқлаш масаласи бўйича яқдиллик йўқ. Дарҳақиқат, юқорида келтирилган изоҳларга кўра, муаллифлик қарашларини илгари сурадиган бўлсак, бугунги кунда асосий фондлар маълум бир турдаги ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш мақсадида сотиб олиниб, асосий фондлар ишлаб чиқаришда узоқ муддат иштирок этган ҳолда ўзининг товар қийматини яратилаётган маҳсулотга босқичма-босқич ўтказиб бориши билан белгиланади. Қачонки, асосий фондлар орқали яратилган маҳсулот ва хизматларни яратиш натижасида келиб тушган пул маблағлари сотиб олинган асосий фондларга сарфланган харажатларни қоплаши билан бирга шунингдек, асосий воситаларни қайта тиклаш мақсадида ҳам амортизация ажратмалари ажратиб борилиши билан белгиланади.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Асосий ишлаб чиқариш фондларининг ҳозирги ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили**” деб номланиб, унда асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати таҳлили, инвестициялар манбасини шакллантиришда асосий ишлаб чиқариш харажатларини пасайтиришга

таъсир этувчи омиллар таҳлили, асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда амортизация фондидан фойдаланиш ҳолати тадқиқ этилган. Республика нефть-газ тармоғида ишлаб чиқариш жараёнида асосий ишлаб чиқариш фондларининг роли ҳақида, уларнинг жисмоний ва маънавий эскириши ҳақида, улардан смарали фойдаланишга таъсир этадиган омиллар ҳақида аниқ ва яққол тасаввурга эга бўлиб, улардан фойдаланиш самарадорлигини яхшилаш, ишлаб чиқариш ҳаражатларини пасайтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари ва усулларини белгилаб олиш лозим. Шу сабабли “Ўзбекнефтгаз” АЖ корхоналарида асосий ишлаб чиқариш фондларини шакллантиришда асосий ишлаб чиқариш фондлари структурасини такомиллаштиришга етарилча эътибор қаратилади.

3-расмда келтирилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, 2010-2019 йиллар оралиғида “Ўзбекнефтгаз” АЖ асосий фондлари бошланғич қийматининг ўсиш тенденцияси кузатилган, 2019 йилга келиб 2010 йилга нисбатан 5,6 баравар ўсган. Шу даврда ишлаб чиқаришда асосий фондлар 2019 йилга келиб 2010 йилга нисбатан 5,7 баравар, ноишлаб чиқариш фондлари эса 4,1 баравар ўсган.




3-расм. “Ўзбекнефтгаз” АЖ да асосий фондларнинг таркибий ўзгариш динамикаси¹⁰

Умуман, тадқиқ этилаётган давр мобайнида ишлаб чиқариш фондлари ўсиш суръати бўйича ноишлаб чиқариш фондларига нибатан ўсиши бир хил даражада кузатилмоқда. Ишлаб чиқариш фондларидан фарқли равишда, ноишлаб чиқариш асосий фондлари ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этмайди ва ўз қийматини яратилган маҳсулотга ўтказмайди.

“Ўзбекнефтгаз” АЖ узоқ муддатли активларнинг 2010-2019 йиллар бўйича динамикаси 4-расмда берилган бўлиб, 2010 йилда “Ўзбекнефтгаз”

¹⁰ “Ўзбекнефтгаз” АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

АЖ узоқ муддатли активлари ҳажми 15897,3 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, ўз маблағлари ҳисобига эса 15306,8 млрд. сўмни ташкил этган.



4-расм. “Ўзбекнефтгаз” АЖ узоқ муддатли активлари динамикаси¹¹

“Ўзбекнефтгаз” АЖ нинг узоқ муддатли активлари ҳажми 2019 йилда 83128,7 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, ўз маблағлари ҳисобига эса 38285,8 млрд.сўмни ташкил этган. Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш барча учун умумий бўлган, сиғим ва самара кўрсаткичларини таҳлил қилишдан иборат бўлган баҳолаш технологиясини қўллашга асосланади. Самара кўрсаткичи ресурсларнинг 1 сўмига қанча маҳсулот ишлаб чиқишини кўрсатади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг асосий ишлаб чиқариш фондлари ўртача бошланғич қийматига нисбати билан аниқланадиган фонд самараси асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигини умумлаштирувчи кўрсаткич ҳисобланади.

“Ўзбекнефтгаз” АЖ нинг узоқ муддатли активлари ҳажми 2019 йилда 83128,7 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, ўз маблағлари ҳисобига эса 38285,8 млрд.сўмни ташкил этган. “Ўзбекнефтгаз” АЖ асосий ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

углеводородли ресурслар, газ ва газ-конденсатлар топиш бўйича геология-разведка ишларини кучайтириш ва қайта ишлаш корхоналари учун хомашё базасини ривожлантиришни таъминлаш;

углеводородли хомшё қазиб олишда илғор технологиялар қўллаш, уни сақлаш ва транспорт воситасида ташиш ишларини яхшилаш, йўқотишларни бартараф қилиш;

кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ва ходимларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш учун фойда олиш ва ишлаб чиқариш харажатларини қоплашни ҳисобга олган ҳолда талаб ва таклиф иқтисодий

¹¹ “Ўзбекнефтгаз” АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

қонуни асосида углеводородли маҳсулотнинг харид нархларини такомиллаштириб бориш зарур.

Молиявий иқтисодий кўрсаткич – фойданинг умумий ўсишини таъминлашда “Ўзбекнефтгаз” АЖ тўлиқ фойдаланилмаган захираларга эга бўлиб, бу қуйидагилардан иборатдир:

асосий ишлаб чиқариш фондлари структурасини такомиллаштириш ва ишлаб чиқариш йўналишларини, бозор истеъмолини ҳисобга олган ҳолда инвестиция воситалари харид қилишга харажатлар ҳажмини оптималлаштириш зарур;

“Ўзбекнефтгаз” АЖда асосий эътибор инвестиция маблағларини оширишга қаратилган, инновацияларни ривожлантириш, энг янги техника ва технологиялар жорий қилишга эса етарлича эътибор қаратилмайди;

асосий ишлаб чиқариш фондлари фонд самарасининг ўсиши ва фонд сифими коэффициентини ошириш;

кўп укладли иқтисодиётнинг рақобат шароитларидаталаб ва таклиф қонунидан, шунингдек, бошқа иқтисодий қонунлардан объектив фойдаланишни кучайтириш;


“Ўзбекнефтгаз” АЖ корхоналарида инвестиция маблағлари асосан янги корхоналар қурилишига йўналтирилади;

“Ўзбекнефтгаз” АЖ корхоналарида инновацион техника ва технологиялар қўллаш ҳисобига интенсив ривожланиш учун углеводородли хомашёнинг чекланганлиги табиий ресурсларга тежамкорлик билан муносабатда бўлишни тақозо этади. Табиий ресурсларни асраш ва кўпайтириш экология стратегиясини таъминламасдан туриб, иқтисодиёт эҳтиёжларини қондириш бўйича қўйилган вазифаларни ҳал қилишга эришиб бўлмайди.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида асосий фондларни энг аввало, мавжуд асбоб-ускуналарнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини кучайтириш, уларнинг механизация ва автоматизация даражасини ошириш йўли билан модернизация қилиш кўришида амалга оширилиши керак.

Асосий фондларнинг жорий харажатлари эса ишлаб чиқариш харажатлари, ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш ва хизматлар кўрсатиш харажатлари таркибига киритилади. Бу йўналишда, таъкидлаш жоизки, асосий фондларни капитал таъмирлашга харажатлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархига норматив бўйича эмас, балки уларнинг амалдаги ҳажми бўйича киритилади (5-расм).

Инвестицион маблағларни жалб қилиш ва инвестицияларни айнан соҳага йўналтириш борасида маълумотларни таҳлилий жиҳатдан кўрадиган бўлсак, “Ўзбекнефтгаз” АЖ бўйича инвестициялар умумий ҳажми бўйича 2008 йилда 1842,4 млрд.сўм инвестиция маблағлари асосий капитал ва капитал таъмирлашга йўналтирилган бўлса, 2019 йилда йўналтирилган маблағлар ҳажмининг ўсиш тенденцияси кузатилган, 2008 йилга нисбатан 4470,1 млрд.сўмга ўсган.



5-расм. “Ўзбекнефтгаз” АЖ бўйича инвестициялар умумий ҳажмининг ўзгариш динамикаси, млрд.сўм¹²

Йўналтирилган инвестицион маблағлар ҳажмини 2019 йил якунлари ҳолати бўйича кўрадиган бўлсак, “Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан 6312,5 млрд.сўм инвестиция маблағлари йўналтирилган бўлса, “Ўзнефтгазқазибчиқариш” АК бўйича инвестициялар умумий ҳажми 5918,7 млрд.сўмни, “Ўзтрансгаз” АК бўйича инвестициялар умумий ҳажми 289,5 млрд.сўмни, “Ўзнефтмаҳсулот” АК бўйича инвестициялар умумий ҳажми эса 138,2 млрд.сўмни ташкил этган.

Илгари ишлаб чиқариш харажатлари таркибига меъёрларда режалаштирилган амортизация суммалари киритиларди. Бундай усул меҳнат харажатларини пасайтиришни рағбатлантиришга салбий таъсир кўрсатарди, бозор иқтисодиёти шароитларида ҳар бир юридик субъектга таъмирлаш фонди ҳажмини ва унга ажратмалар меъёрини мустақил белгилаш ҳуқуқи берилган. Ушбу фондда қолган маблағларнинг бир қисми олинмайди ва корхоналар тасарруфида қолдирилади. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш манбаси сифатида амортизацияни таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

шаклланаётган капитал таъмирлаш фондидан самарали фойдаланиш мақсадида уни асосий фондларни таъмирлашнинг эҳтиёж даражасини ҳисобга олган ҳолда шакллантириш зарур;

асосий фондларнинг амортизация меъёрларини уларнинг норматив хизмат кўрсатиш муддати доирасида белгилаш зарур. Белгиланган хизмат кўрсатиш муддати тугаши билан амортизация ҳисобланишининг тўхтатилиши асосий фондларни ортиқча амортизация қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи ортишининг олдини олиш ва олинаётган фойда миқдорини оширишга имкон беради;

тезлаштирилган амортизация усулининг жорий қилиниши ишлаб чиқариш воситалари нархи ва таннархни оширишга олиб келади ва

¹² “Ўзбекнефтгаз” АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

корхоналар оладиган фойдани пасайтиради. У солиқларни камайтириш ва фойдани қайта тақсимлашга хизмат қилади;

амортизация тизимини такомиллаштириш учун асосий воситаларнинг реал эксплуатация шароитларини ва уларнинг иш билан юкланганлигини ҳисобга оладиган тузатиш киритиш коэффициентларини ошириш ва меъёрлар тизимини янада дифференциация қилиш мақсадга мувофиқ;

амортизация суммаларини ҳисоб-китоб қилишда ундан вақт бўйича ва қувватлар бўйича фойдаланишни акс эттирадиган асбоб-ускуналарнинг иш билан юкланганлик коэффициентиға боғлиқликда белгиланган меъёрларга тузатиш киритиш мақсадга мувофиқ;

амортизация “Ўзбекнефтвергаз” АЖ корхоналарида тадқиқ этилаётган даврда асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича 3 баравар, ноишлаб чиқариш фондлари бўйича эса 1,9 баравар ўсган асосий ишлаб чиқариш фондларини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш манбаси ҳисобланади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида ишлаб чиқаришда асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқаришни такомиллаштириш захиралари ва улардан фойдаланиш самарадорлиги”** деб номланиб, унда асосий ишлаб чиқариш фондларининг такрор ишлаб чиқариш жараёни захиралари ва уларнинг самарадорлиги, инновациялар ҳамда асосий ишлаб чиқариш фондлари самарадорлиги ва уларни такрор ишлаб чиқариш башоратлари масалалари тадқиқ этилган.

“Ўзбекнефтвергаз” АЖ бўйича ишлаб чиқаришда асосий фондлардан фойдаланишни кўп омилли эконометрик моделида қатнашадиган омиллар сифатида натижавий омил – асосий фондлар бошланғич қиймати, млрд.сўм (Y) ва унга таъсир этувчи омиллар сифатида асосий капиталга инвестициялар умумий ҳажми, млрд.сўм (X₁), асосий фондларни ишга тушириш, млрд.сўм (X₂), асосий фондларнинг чиқиб кетиши, млрд.сўм (X₃) ва асосий фондлар эскириши, млрд.сўм (X₄). Маълумотлар қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

Асосий гипотеза бўлиб, асосий фондлар бошланғич қиймати (Y) ва асосий капиталга инвестициялар умумий ҳажми (X₁) ҳамда асосий фондларни ишга тушириш (X₂) ўртасида тўғри боғланиш ҳамда асосий фондларнинг чиқиб кетиши (X₃) ўртасида тесқари боғланиш мавжуд эканлиги ҳисобланади. Ушбу гипотезани текшириш учун омиллар ўртасида боғланиш зичликларини аниқлаш ҳамда кўп омилли эконометрик модел тузиш талаб этилади.

“Ўзбекнефтвергаз” АЖ бўйича асосий фондларнинг бошланғич қиймати 2007-2019 йилларда ўртача 29502,6 млрд.сўмга ортиб борган. Бу асосан янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, эскирган фондларни модернизация қилиш эвазига амалга оширилган. Сўнгги йилларда “Ўзбекнефтвергаз” АЖ тизимида Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида янги конларни очилиши, асосий фондларни жадал ортиб келиши олиб келмоқда.

**“Ўзбекнефтгаз” АЖ асосий фондларининг 2007-2019 йилдаги
динамикаси, млрд.сўм¹³**

Йиллар	Асосий фондлар бошланғич қиймати, Y	Асосий капиталга инвестициялар умумий ҳажми, X1	Асосий фондларни ишга тушириш, X2	Асосий фондларнинг чиқиб кетиши, X3	Асосий фондлар эскириши, X4
2007	5335,3	1193,6	1674,7	606,4	2037,2
2008	7373,6	1842,4	1725,2	915,8	2769,1
2009	9328,5	2031,7	2057,4	749,7	3400,9
2010	11058,1	1147,3	977,9	251,8	4388,7
2011	13218,7	1738,8	1770,1	570,5	6482,6
2012	16652,2	1703,8	1612,6	291,2	7466,2
2013	15268,4	1923,4	1195,8	185,8	7456,9
2014	18769,7	2686,6	2486,4	720,2	8539,9
2015	23871,5	3903,4	2336,0	501,2	10937,8
2016	25009,0	3766,9	3014,4	300,5	12488,0
2017	31046,5	3748,6	3842,1	843,0	16732,1
2018	98247,0	4064,3	3677,5	497,7	14764,8
2019	108355,2	4536,9	4064,3	492,7	17500,8

Мазкур даврда “Ўзбекнефтгаз” АЖ тизимида асосий капиталга инвестициялар умумий ҳажми йилига ўртача 2637,5 млрд.сўмдан ортиб борди. Ушбу инвестициялар янги конларни қидиришга, янги бурғулаш ускуналарини ҳарид қилиш ва газ-кимё комплексларини ишга туширишга йўналтирилмоқда.

Шу билан бирга тадқиқ қилинаётган даврда тизимда ишга туширилган асосий фондлар қиймати йилига ўртача 2341,1 млрд. сўмга ортиб борди. Асосий фондларнинг чиқиб кетиши мазкур даврда йилига ўртача 532,8 млрд. сўмни ташкил этди. Аммо, ҳали ҳам тизимда асосий асосий фондларнинг эскириш муаммоли масалалардан бири ҳисобланади. Агар 2007 йилда асосий фондларнинг умумий фондлардаги эскириши 38,18 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб мазкур кўрсаткич 16,15 фоизни ташкил этмоқда.

